*Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ*

# МОЗИЙ САБОҚЛАРИ

### УЛУҒБЕК РАСАДХОНАСИНИ БУЗГАН КИМ?

Буюк фалакиётшунос олим Мирзо Улуғбек Самарқанднинг Чўпон ота тепалигида бунёд этган машҳур расадхонани билмаган, ўша томонларга йўли тушганда, уни бориб кўрмаган одам топилмаса керак. Фақат ер остидаги қисмигина бутун қолган бу табаррук обида ҳамон инсониятни ҳайратга солади. Шу боис аждодларимизнинг буюк тафаккури-ю заковати тимсоли бўлмиш қадимий расадхонанинг асримиз бошида рус қадимшунос олими Вяткин томонидан топилган ва қазилган қолдиқлари ҳам биз учун азиз ва ардоқлидир, ҳамиша халқ эъзозида ва давлат эътиборидадир. Унинг ёнгинасида қад кўтарган янги Улуғбек осори атиқахонасига келувчи зиёратчиларнинг оёғи узилмайди.

Шу пайтгача расадхона қачон ва ким томонидан бузилганлиги номаълум бўлиб келарди. Қилни қирқ ёрувчи тарихчиларимиз ана шу масалага ҳам аниқлик киритдилар. Шарқшунос Исмоил Бекжоновнинг ёзишича, бу воқеа XVII асрда яшаб ўтган Мутрибий деган адибнинг «Нусхайи зебойи жаҳонгирий» тазкирасида қайд этиб ўтилган экан.

Мутрибийнинг гувоҳлик беришига қараганда, Мирзо Улуғбек расадхонасининг биноси XV асрнинг охиригача яхши сақланган, кейин ташландиқ ҳолга келиб қолган. Уч қаватдан иборат бўлган, деворлари жўғрофия, фалакиётшуносликка доир турли расмлар, жадваллар билан безатилган бу ажойиб иморат шу қадар хароблашганки, ўша давр кишилари тунда қўрқмасдан расадхонага кириб чиқиш борасида бир-бирлари билан бас бойлашар эканлар. Иттифоқо, бир киши шартда ютаман деб, ярим тунда расадхонага кириб, белги сифатида деворга пичоқ суқмоқчи бўлган, бу ишни бажаришда ўз чопонини этагини ҳам пичоққа қўшиб қадаб қўйган, ортига қайтмоқчи бўлганда тўнини биров ушлаб тортиб қолгандай бўлгану қўрққанидан жони чиқиб кетган эмиш. Кейин Самарқанднинг ўша пайтдаги ҳокими расадхонани буздириб, ғиштларини ва бошқа қурилиш анжомаларини бир кўприкни таъмирлашга ишлатибди.

Расадхонадай табаррук осори атиқани буздирган ҳукмдор —Абдуллахон II томонидан тайинланиб Самарқандга 1586—1598 йилларда ҳокимлик қилган Ҳожибей Оталиқ Дўрмон эди!

### УБАЙДУЛЛОХОН АЙТГАН АРАБЧА ҒАЗАЛ

Убайдуллохоннинг номи ҳам ўлкамиз тарихида ёзилиб қолган. Унинг бутун умри ўша давр ҳукмдорлари ва ҳукмдорликка талабгор аслзодаларники сингари тахт талоши ва шунга кўра жангу жадаллар билан ўтганди. У шоир бўлиб, туркий, форсий ва арабий тилларда ажойиб шеърлар битганди. Алишер Навоийнинг «Мажолис-ун нафоис» асаридан кейинги ўринда турувчи ва ўз даври хону шоирлари ҳақида чуқур ва батафсил маълумотлар келтирилган «Музаккири ахбоб»нинг муаллифи Ҳасанхожа Нисорий бу ҳақда шундай гувоҳлик беради.

«Убайдуллохон шеър илмларида соҳиби фан (яъни маҳоратли) эдиким, бу ўринда таърифига эҳтиёж ортиқча иш». Адиб сўзининг исботи сифатида хон томонидан араб тилида ёзилган ушбу ғазални келтиради:

**Ҳайра фи жамолиҳи унзур фи камолиҳи,**
**Кулли лисон восиф фи сифати жамолиҳи.**
**Азъафани вифоқуҳу каммислиҳу иштиёқиҳу,**
**Ахориқони фироқиҳу фи талаби висолиҳи.**
**.....................................................**
**Толибуна Убайдука минка хува юрийдука,**
**Фааътиҳу муродуҳу анта туриду болиҳи.**

Яъни:

**Ёр жамоли ҳайратга солур, қадди-қомати кўзинг олур,**
**Ҳар бир тил эса унинг ҳусни сифатин васф этар,**
**Нозик таъбидек, мени ўлдирди нозу карашмаси,**
**Васли фироқида бу жону тан куйиб битар.**
**.....................................................**
**Убайдинг ҳам толибингдир, висолингдан умидвордир,**
**Кўнглинг раво кўрса, уни муродига бир кун етқар.**

### ҚАТЛ ОЛДИДАН ЎҚИЛГАН РУБОИЙ

Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккири ахбоб» тазкирасида нақл қилинишича, Бадахшон подшоҳи Сулаймоншоҳнинг фозилликда ва сўзамолликда тенги йўқ Иброҳим Мирзо исмли ўғли бўлиб, форс ва турк тилларида ажойиб шеърлар битаркан. У бир шоира билан мушоира қилибди. Қиз унга:

**Шоҳо, ту шоири-ю, на дар пояйи мани,**
**Ман офтоби аршаму ту сояйи мани.**

Яъни: «Эй шоҳ, сен шоирсан, аммо шоирликда менинг пойимга ета олмайсан. Мен кўкдаги қуёшман, сен эса атиги соямсан»,—депти. Шоиранинг мақтанчолигига жавобан шаҳзода:

**Аз шутурони Вайси Қаран як шутур манам,**
**Ман дар қатори нараму ту мояйи мани.**

Яъни: «Мен авлиё Вайс Қаран боққан туялар қаторида битта туяман, фақат эркак туяман, сен эса менинг моямсан»,—деб йигитларга хос чапаниларча жавоб қилибди.

Кейинчалик бу шўх, диловар шаҳзоданинг бошига оғир кун тушади—у отаси билан Балхни олиш учун қўшин тортиб боради. Лекин қаттиқ жангда бадахшонликлар енгилади, Сулаймон подшоҳ қочади, Иброҳим Мирзо қўлга тушади. Уни қатлга олиб келадилар.Ўлими олдидан Иброҳим Мирзо қуйидаги рубоийни айтади:

**Эй лаъли Бадахшон, зи Бадахшон рафтӣ,**
**Тобанда чу хуршиди дарахшон рафтӣ.**
**Дар даҳри чу ҳотами Сулаймон будӣ**
**Афсуски, аз дасти Сулаймон рафтӣ.**

Яъни: «Эй Бадахшон лаъли, Бадахшондан кетдинг, қуёшдек порлаб, ярқираганча кетдинг. Дунёда Сулаймон пайғамбар узугидек эдинг, афсуски, отанг Сулаймоннинг дастидан кетдинг...»

Қатл олдидан ўқилган бу рубоий шаҳзоданинг юрак-юрагидан чиққан, Бадахшон лаълининг сўнгги бор порлаши эди..

### МИРЗО БОБУР АЙТГАН БИР МАТЛАЪ ХУСУСИДА

Султонларнинг энг сараси ва зўр шижоатлиси эди,—деб ёзади Ҳасанхожа Нисорий «Музаккири ахбоб»ида Заҳириддин Муҳаммад Бобур хусусида.—Шамшир зарби билан Мовароуннаҳр мамлакатларига эга бўлиб, уни сақлаб қолишда кўп саъйҳаракатлар ва жонини аямасдан жаҳду жадаллар кўрсатди. Мардона тўқнашувлар қилди, аммо тақдир ўқига тадбир қолқони дош беролмагач, таъб тўтиси ҳинд шаккаристонига майл билдириб, Ҳиндистон мамлакатларини эгаллашга юз тутди».

«Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр ва камолатлари бешумордир. Аруз бўйича ёзган рисоласи бир денгиздирким, ичи тўла жавоҳиру дурдона...»—деб шоҳ ва шоирнинг таърифини тўлдиради, мутазкир ва унинг ажойиб ғазалларидан намуналар келтиради. Улар орасида муаллиф «ғоятда дилпазир ва ажойибу беназир» деб баҳолаган қуйидаги матлаъ ҳам келтирилган:

**Ўлум уйқусидан бўлдум жаҳон фикридин осуда,**
**Мени истасангиз, дўстлар, топқайсиз уйқуда.**

Ғазал давомида шоҳнинг ҳаёт ҳақидаги хулосаси, инсоний фалсафаси шундай баён этилади:

**Неким тақдир бўлса ул бўлур, таҳқиқ билгайсен,**
**Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.**

Улуғ шоҳ ва шоирнинг бизга номаълум бўлган бу улуғ абётини ҳозирги авлодгача етказиб келган муҳтарам тазкирачига худодан раҳмат тилаймиз.

### ЙЎҚОЛГАН ЭШАК

Хожа Нисорийнинг нақл қилишича, бир воиз одамларга яхши сўзлар билан панд-насиҳат қилаётганда иккинчи одам ҳазиллашмоқчи бўлибди. У йўқолган эшагини излаб юрган бир кишига: «Мана шу минбардаги одам жарчи, агар унга айтсанг, чор атрофга жар олиб, балки эшагингни топиб берар»,—дебди. Ҳалиги одам бу гапга лаққа тушиб, воиздан илтимос қила бошлабди. Воиз қараса, бу бечорани кимдир роса лақиллатган. Шунда у ўз ваъзини тўхтатиб, ўтирганларга қараб: «Орангизда ишқ-муҳаббат кўчасига кирмаган одам борми?»—деб сўрабди. Бу саволга дастлаб ҳеч ким жавоб бермабди. Воиз қайта-қайта сўрайвергач, жун тўн кийган, эътиқоди суст, норасо бир одам: «Мен ҳеч қачон ишқ нимаю ошиқлик нималигини билмаганман»,—деб жавоб қилибди. Воиз уни эшагини излаб юрган кишига кўрсатиб: «Мана шу сен йўқотган эшак бўлади»,—дебди.

### МУСИҚА НИМА?

Ҳасанхожа Нисорий «Музаккири ахбоб»ида мусиқа сўзининг келиб чиқиш маъносини ҳам келтириб ўтганлар. Инжили Шариф ва Қуръони Каримда айтилишича, Мусо алайҳиссалом ўз қабиласи учун сув сўраганда, Тангри: «Ҳассангни тошга ур»,—дебди ва бу амр бажарилгач, ўн икки чашма ҳар хил нағмали товушлар билан қайнаб оқа бошлабди. Шунда Мусога «Бу оҳангларни асра», маъносида бир нидо эшитилибди. Бу сўздан мусиқа сўзи, кейинчалик илми келиб чиқибди. Бу илм 12 мақом номи билан машҳурдирки, ҳар мақомни фалакдаги бир буржга нисбат берадилар. Буёғи яратганга маълум.

# Қовун гули

Орамизда гулни севмайдиган, уни ардоқламайдиган киши бўлмаса керак. Бироқ гуллар орасида одамзот суймайдиган, ардоқлабэъзозламайдиган гул ҳам бўлади. У қовун гули...

Ушанда 9-10 ёшларда эдим. Қиш қаттиқ келиб, каттакон боғимизни совуқ уриб кетди. Ўтинга айланган мевали дарахтларни кесиб ташлашдан ўзга чорамиз қолмади. Ўрнини полиз қилиб, қовун экдик. Ниҳолчалар тезда икки қулоқ бўлди, барг чиқариб, палак ёйди. Отам боғнинг янги файзидан хурсанд эди. Аммо худди шундай хуш кунларнинг бирида қон босими кўтарилиб, ётиб қолди. Бир ойча туман касалхонасида даволанди. Касалхонадан соғайиб қайтган куниёқ тўғри полизга чиқди. Менинг ҳамроҳлигимда эгат оралади. Бир вақт қарасам, негадир унинг диққати ошаяпти, билинар-билинмас кўнгли ўкинаяпти. Бунинг сабабини кейин билдим.

— Қон босими бор одамга эгилиш мумкин эмас, — деди у менга юзланиб. — Сен анави сариқ гулларнинг ҳаммасини юлиб ташла!

Мен ҳайрон бўлиб отамга тикилдим:

— Ҳиди бўлмаса ҳам чиройли гул-ку...

— Қовун гули бехосият бўлади, — деди отам полиздан кўз узмай. — Полизни палакмурда қилади. Экин ривожини тўсиб қўяди.

Мен полизимизда сариқ гуллар кўпаяётганлигидан қувониб юргандим. Шунга қарамай, отамнинг гапидан сўнг барини юлиб ташладим. Ўша оқ томирли, ҳидсиз, аммо бир қадар кўримли қовун гуллари ҳамон кўз олдимда. Мен ҳамон уларга бехосият деб қарайман. Бирор полизга кирсаму қовун гулини кўриб қолсам, деҳқон меҳнатига дилим ачиниб, унинг юзига боқолмайман.

Қовун гули... Дарҳақиқат, ўша йили қовунлар ширага кириши арафасида касалликка чалинди, офтоб урди. Оқибатда палаклар сарғайди, сўлиган қовунлар бемаза бўлиб қолди. Ҳосили ҳам арзимаган пул бўлди.

Болалигимизда кеча-кундуз очиқ турадиган дарвозаларга хавотир ва гумоннинг қовун гулига ўхшаш шакл-шамойилли қулфлари илиб қўйиладиган бўлди. Ёнма-ён ҳовлилар ўртасидаги ўрта эшикчалар сариқ гуллар-ла лойсувоқ қилиб ташланади. Бу лойсувоқларнинг айримларига ўзаро хусумат ва адоват гулининг сариқ уруғи қоришгандай. Мана, ўзингиз таҳлил қилинг.

Томга узум ёяётган болакай қўшнининг ҳовлисига назар ташлайди. У тенгдош қўшниси билан ўйнамоқчи. Бироқ ўртоғи кеча ота-онаси билан қариндошлариникига тўйга кетган. Ҳовлида туравериб, очликдан силласи қуриган ола говмиш эса арқонни узиб, эндигина думбулга кирган маккажўхорини пайҳон қилиб, паққос туширмоқда.

Болакай шошиб отасини огоҳлантиради. Қўшни ҳовлида ҳеч ким йўқлигини тушунтиради. Ота эса «Ишинг бўлмасин» дегандек, уни жеркиб беради. Кечқурун уйга қайтган қўшнилар бор давлатлари бўлмиш ола говмишни жўхоризорда шишиб ўлиб ётган ҳолда кўриб, қаттиқ ўкинадилар. Бу ўкинч «Келган бало шунга урсин», деган синиқ бир юпанч билан тугайди.

Қаранг, кин, адоват, хусумат туфайли бир оила зарар кўрди. Ахир қўшни томдан ошиб бўлса-да, бўшалган сигирни қайта боғлаб қўйиши мумкин эди-ку?! Йўқ, у атайлаб бундай қилмади. Сигир бўшалиб кетганини ўғлидан эшитганда, пинак ҳам бузмади. Негаки, шу тобда унинг тош юрагида қовун гулига ўхшаш сариқ гул ниш урди. Бу гул тонгга қадар ўсди, очилиб-яшнади...

Менинг онгимга «Уйда отанг ўтирган бўлса, томга чиқма» деган нақл маҳкам ўрнашиб қолган. Негаки, бу нақлда ота қадр-қиммати улуғланган. Бироқ ҳозир ҳамма ҳам унга бирдек амал қилаяптими?! Йўқ! Аксинча, қайнона-келин, ота-ўғил можаролари оддий ҳолга айланиб қолди. Авваллари бирор келин ногаҳон аразлаб, отасиникига кетиб қолса, шу оқшомдаёқ унинг орқасидан одам борарди. Ҳа, атайин оқшомда бориларди. Чунки номус устунлик қиларди. Элдан уялиш бор эди. «Ўтган кунлар» қаҳрамонларидан бири — Юсуфбек Ҳожининг келини Зайнаб аразлаб кетгани ҳақидаги хабарни эшитган ҳолатини бир эсланг. Ногаҳоний саросима бор эди Ҳожининг чеҳрасида. Яқин-яқингача бунақа воқеалар тафсилоти қуни-қўшни ухлагач, таҳлил этиларди. Жаҳлга эрк берганлар тавбатазарру қиларди. Эртасига ҳаёт аввалгидек бир маромда давом этарди./

Энди-чи?! Куппа-кундузи можаро бошланади. Қуни-қўшнидан ҳам, маҳалла-кўйдан, маъмурий идоралар ходимларидан ҳам истиҳола қилиш йўқ. Мушти тугилган эр жаҳл билан кўчага чиқиб кетади. У ҳали қирққа ҳам бормаган. Аммо юзлари ажиндор. Унинг қўли калталиги билан хотинининг иши йўқ. У тезроқ қайнона уйидан чиқиб, алоҳида ҳовлида яшашни хоҳлайди. У эрининг қўйнида гўёки қовун гулидек сариқ гул! Яйратмайди ҳам, яшнатмайди ҳам. Ниҳоят уйни бузиб чиқиш керак деган қарорга келади. Турмуш ўртоғини шунга кўндиради. Эр кетмон кўтариб томга чиқади. Унинг уйланмаган укасига эса уй керак. Орага келин аралашади, қайнона аралашади. «Бу менинг келинлик уйим, — дейди хотин сурбетларча эрига ишора қилиб, — бузаверинг». Кетмон уч-тўрт бор ҳавога кўтарилади. Кекса ота ғазабга минади. Ўғил ишини давом эттиради. Унинг қарори қатъий: уйни бузмаса бўлмайди. Чунки қўйнидаги бехосият сариқ гул тонгга қадар жилваланиб чиққан. Бу жилва — маккорлик, бу жилва — ғазаб. Кошки, уни қовун гулидек юлиб ташлаш осон бўлса?!

Етмишинчи йиллар пахтачилик учун ниҳоятда оғир кечгани барчага аён. Ғўзаларга сариқ гуллар чирмашиб ўсди ўша йиллар. Сариқ гул — ваъда, сариқ гул — қоғоз тоғлар, сариқ гул — етмиш центнерлик ёлғон, сариқ гул — декабр ойидаги бир чаноқ... Иқтидорли шоир Шукур Қурбон ўша даврнинг оғриқли сариқ манзарасини «Бригадир, етмишинчи йиллар» шеърида қуйидагича чизганди:

**«Очилмаган кўсакдан — умид»**
**Аллақандай илинж-умидда**
**Далаларни ҳайдаттирмади,**
**Киргунича қиш,**
**Очилар деб қолган-кутган кўсаклар,**
**Оқибат қор тўлди бўш чаноқларга!**
**Унга пахта бўлиб кўринди бу қор.**
**Дардининг зўридан**
**Унга пахта бўлиб кўринди борлиқ,**
**Еру осмон**
**Еру осмон ораси!..**
**— Қани ҳамма пахтага! —**
**Ҳайқирди шу чоқ, —**
**Пахта, пахта, пахта ҳаммаёқ!**
**Қани ҳамма пахтага! Пахтага! Пах!..**
**Ҳамма, ҳамма! Ҳам...м!..**

Манзара кўз олдингизга келдими? Пахта деб ҳайқиравериб ҳолдан тойган бригадирнинг кўкрак чўнтагида сариқ гул бор эди. Унинг ичи сариқ, юзи чўгдай қип-қизил, тўртбурчаксимон эди.

Аллоҳ барчанинг кўнглига яхшилик уруғини сочиб яратган. Биз уни авайлаб-асрашимиз керак. Фарзандларимизнинг соғлом танларида ғурур бешикаст ўссин. Бу танларда қовун гулига ўхшаш сариқ гуллар сира-сира бўй кўрсатмасин!

**Дилмурод ЖАББОР,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси**

*Акс садо*

# МУАЛЛИФЛАРНИ ЧАЛҒИТГАН БИР ҒАЗАЛ

Республикамизнинг машҳур «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1996 йил 5 январ сонида тадқиқотчи Ситора Мамадмуродованинг «Бир ғазалнинг икки муаллифи» сарлавҳали мақоласини эътибор билан ўқиб чиқдик. Мақолада баён қилинган фикр ва хулосадан келиб чиқиб, мазкур масалага ўз муносабатимизни билдиришни лозим деб топдик.

Таниқли адабиётшунос, ўзбек шоирлари ижоди билан шуғулланиб, бу ҳақда алоҳида китоблар ёзган Тўхтасин Жалолов «Ўзбек шоиралари» рисоласининг биринчи нашрида Маҳзунага бағишланган қисмида «этти» радифли ғазални шоира ижодининг намунаси сифатида эълон қилган эди. Шу муносабат билан атоқли адабиётшунос олим Азизхон Қаюмов ўзининг «Қўқон адабий муҳити» асарида шундай деб ёзганди:

«Т. Жалоловнинг «Ўзбек шоиралари» китобида «Қачонким лаъли нобинг сўзда майли нўшханд этти» деган ғазал Маҳзунага нисбат берилиб, унинг шеъри сифатида келтирилган (127-бет). «Мажмуаи шоирон»да Фазлий ана шу ғазални келтирар экан, унинг автори тўғрисида бундай деб ёзади:

**Зи қозичаи Уйчиги ин ғазал,**
**Нишон монд бо достон дар малал.**

**Ҳама умр ранжур буди тамом,**
**Аз он рўй Маҳзун ба худ кардӣ ном.**

**Ба фаҳму хирад буд равшан замир,**
**Ғизояш зи хони атои амир.**

**Чу гардид жонаш асири ажал,**
**Нишон монд аз шеъри ў ин ғазал.**

(УзФА ШИ, 9914, 516-бет)

ТАРЖИМАСИ

**Бу ғазал Уйчининг қозичасидандир,**
**Халқ орасидаги дўстларига нишона бўлиб қолди.**

**Бутун умри озор чекиб ўтган эди,**
**Шунинг учун ўзига МАҲЗУН (таъкид бизники—А. Қ.) деб ном қўйган эди.**

**Фаҳму ақлда фикри равшан эди,**
**Амирнинг ато дастурхонидан озуқ олар эди.**

**Ажал унинг жонини асир қилгани учун**
**Унинг шеъридан шу ғазал нишон қолди.**

Шу кириш сўзидан сўнг «Қачонким лаъли нобинг сўзда майли нўшханд этти», деб бошланадиган ўн байтли ғазал келтирилади, (ўша қўлёзма, 516—517-бетлар). Демак, бу ғазал Маҳзунага эмас, Маҳзунга тегишли ғазалдир. Маҳзун Маҳзуна Муллабошмон қизи эмас, балки Уйчининг қозиси эди. У «Мажмуаи шоирон» тўплами тузилмасидан аввал, яъни 1821 йилдан олдин вафот этган» (Азиз Қаюмов, «Қўқон адабий муҳити», Тошкент, 1961 йил, 238—239-бетлар).

Юқоридаги танқидий фикрдан тўғри хулоса чиқарган Тўхтасин Жалолов «Ўзбек шоиралари» китобининг кейинги нашрларида ўз хатосини бартараф этди.

Қуйида Фазлий тазкирасидаги Маҳзун ғазалини тўлиқ келтирамиз:

**Қачонким лаъли нобинг сўзда майли нўшханд этти,**
**Ҳазин жону кўнгулни талхкому дардманд этти.**

**Бути номеҳрибоним масти лояъқил чиқиб, ваҳким,**
**Бошимға сакратиб, хоки таним гарди самaнд этти.**

**Вафосиз дилрабодин шиква қилсам, айб қилманглар.**
**Ки, ман жон бердим-у, аёрни ул аржуманд этти.**

**Ямон кўз тегмасун деб ҳуснига ул хублар шоҳи**
**Жамоли оташиға донаи холин сипанд этти.**

**Ҳама ушшоқ элин қатл эттали бебок жаллодим**
**Қошидин тийғ тортиб, тори кокулдин каманд этти.**

**Шакарлаблар табассум қилсалар, кўнглунгни олдурма,**
**Мани йиғлатти аччиғ, ҳар қачонким нўшханд этти.**

**Фалак ҳар кимни аъло рутба қилди, бесабаб эрмас,**
**Қуёшни ерга киргузмак учун, билким, баланд этти.**

**Бу гулшан ичра улким гул каби нозукбадан эрди,**
**Ажални тундбоди оқибат хори нажанд этти.**

**Замона шаҳлари, кўргилки, ёнимға муносиб деб**
**Ки, руҳдек ростдин фарзиндек эгрини писанд этти.**

**Қиё боқғайму деб, Маҳзун, кўнгул кўп интизор ўлди,**
**Биҳамдиллаҳки, мужгон новакидин баҳраманд этти.**

(«Мажмуаи шоирон», тошбосма, Тошканд, В. М. Ильин матбааси, 1900 йил, 424-бет.)

Юқоридаги келтирилган матндан ҳам кўриниб турибдики, ғазалнинг матлаъи ҳамда айрим сўзлардаги жузъий ўзгаришларни ҳисобга олмаганда, мазкур ғазал Маҳзунанинг ғазали деб тақдим қилинаётган шеърнинг ўзгинасидир. Бу ғазалнинг тазкирадаги ва газетадаги нусхалари ўртасида тафовут борлиги мазкур ғазалнинг бошқа нусхаларини ҳам кўришга ундади.

Бизга маълум бўлишича, муаррих Муҳаммад Ҳакимхоннинг «Мунтахаб ут-таворих» асари ҳошиясида (Муҳаммад Ҳакимхон, «Мунтахаб ут-таворих» китоби дуюм. Нашриёти «Дониш». Душанбе, 1986, 400—401-саҳифаҳо). Маҳзуннинг «азал деҳқони қаддинг наҳлини то сарбаланд этти» деб бошланувчи ғазали бор экан. Ғазалдаги «Санго тақлид қилмиш гулки, осиб кўза бўйнига» деб бошланган байт газетада, Фазлий тазкирасида келтирилган ғазал матнида йўқ. «Мунтахаб ут-таворих»да келтирилган ғазал матни 9 байт.

Шундай қилиб, маҳзуннинг ғазалидаги байтлар сони 13 тага етди. Бу ҳол шоирнинг ушбу ғазални қайта ишлаб, янги байтлар билан бойитганлигидан далолат беради.

Ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак бўлган бу ғазалга назиралар ёзилган, мухаммаслар боғланган. Марғилонлик шоирлар—Файзий, Ҳазиннинг тазмин ва назиралари (Фазлий, «Мажмуаи шоирон», тошбосма, 424—425-саҳифалар); «Маҳбул ул-маҳбуб» баёзи, тошбосма, Тошканд, 1912 йил, 15—16-бетлар), бухоролик шоир Воланинг мухаммаси («Асрлар нидоси», Тошкент, 1982 йил, 154-саҳифа) шулар жумласидандир. «Асрлар нидоси» тўпламида «МАҲЗУН ҒАЗАЛИГА МУХАММАС», деб тўғри сарлавҳа қўйилган.

Маҳзуннинг зикр этилаётган ғазали халқ ўртасида кенг тарқалиб, қўшиқ қилиб айтилган. М. Алибековнинг «Домашняя жизнь последнего кокандского хана Худоярхана» (Санкт-Петербург, 1898 г.) асарида хон ҳарамидаги канизлар куйлаган қўшиқларни тилга олинганда, биринчи бўлиб Маҳзуннинг «Азал деҳқони қаддинг наҳлини то сарбаланд этти» деб бошланувчи ғазали матни келтирилиб, унинг русча таржимаси ҳам берилганлиги юқоридаги фикримизга далилдир.

Мақола муаллифи Ситора Мамадмуродова ўзи эълон қилган ғазалдаги **«Фалак ҳар кимни аъло рутба қилди, бесабаб эрмас, Қуёшни ерга киргизмак учун, билғил, баланд этти»** байти ҳақида сўз юритар экан, иккинчи мисрадаги «билғил» сўзига («Саодат» журналида «билгил» деб ёзилган) эътироз билдиради. У қуйидагича ёзади: «Биз кўчирма олган қўлёзмада бўлса, «билғил» ҳам, «билгил» ҳам эмас, балки «илгин» деб ёзилган! Бизнингча, «илгин» (қўлини) деган жумла аслига тўғри бўлса керак. Чунки мантиқ бўйича ҳам, матн бўйича ҳам «илгин» ўрнига бошқа сўз сиғмайди: фалак бировга бекордан бекорга олий мартаба (рутба) бериб қўйгани йўқ, у (ўша олий мартабага эришган зот) ҳатто қуёшни ерга киритиб юбориши учун қўлини баланд қилиб қўйибди!»(?!)

Аввало, шуни айтиб ўтайликки, С. Мамадмуродова эълон қилган нусхадан бошқа ҳамма нусхаларда юқоридаги сўз **«билким», «билгил», «билғил»** шаклида тўғри қўлланилган. Иккинчидан, байт мазмунидан англашилишича, Фалак (Аллоҳ) бировга аъло мартабани бесабаб бермайди, уни оқибатда ер билан яксон қилиши ҳам мумкин. Қуёшни осмонга чиқариб қўйгани билан, барибир, уни ер остига киргизиб юборади-ку. Бизнинг фикримизча, гап фақат Фалак (Аллоҳ)нинг қудрати ҳақида бораяпти.

Маҳзуннинг юқоридаги байти устоз Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асарида келтирилган **«Кимники тахт узра қилур аржуманд, Тахта уза оқибат айлар нажанд»** байтига мазмунан ҳамоҳангдир.

Биз шу кунгача Аллоҳдан бошқа бирор зотнинг қўли билан ҳатто қуёшни ҳам ерга киргизиб юборадиган даражада қудратга эга бўлиши мумкинлигини ҳеч ерда ўқимаган ва ҳеч кимдан эшитмаган эдик!

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкин:

1. Бир неча муаллиф томонидан Зиёуддин Маҳзуннинг Маҳзунага нисбатан берилган ғазали шоира қаламига мансуб эмас;
2. Маҳзун билан Маҳзуна таҳаллусининг бир хиллиги муаллифларни чалғитган;
3. Юқоридаги чалкашликлар тадқиқотчилар XIX асрнинг биринчи ярмидаги Қўқон адабий муҳитига оид манбалар ва тадқиқотларни етарли даражада ўрганмаганликларидан келиб чиққан.

**Аҳмаджон МАДАМИНОВ,**
**ЎзРФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти Қўқон бўлимининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди,**
**Абдулатиф ТУРДИАЛИЕВ,**
**бўлим мудири**

М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси раҳбарияти «Анъанавий ижрочилик» кафедрасининг катта ўқитувчиси Машрабжон ЭРМАТОВга онаси

**Баҳриниса аянинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ